



«Ал ахбар ал Куръан ал Карим» хамда «ИКНА» ахборот агентликлари хабар беришича, Сенегал пойтахти Дакарда Куръони Каримни ёдлаш ва уни тажвид билан тиловат килиш бўйича мусобака бошланди.

Мусобакага Ислом Олами Робитаси бош котиби Шайх Абдуллох ибн Абдулмухсин ат-Туркий хамда Робита қошидаги Куръони Каримни ёдлатиш ва тажвиди бўйича халқаро хайъатнинг бош котиби Шайх Абдуллох Басфарлар ҳозир бўлдилар. Мусобакани мазкур хайъат Сенегалдаги Ислом форуми билан биргаликда ташкил қилди.

Мусобака Куръони Карим тиловати билан очилди, сўнгра тараккиёт ва тарбия исломий форуми раиси Шайх Хабиб Ли жаноблари сўзга чиқди.

Мусаобакада Африка давлатларидан сараланган қорилар икштирок этишади. Улар Африканинг 28 та давлатида ўтказилган ялпи мусобакада қатнашган 3316 та толиб ва толибалар орасида қолиб бўлганлардир.

Мусобака 4 йўналишдан иборат:

1. Куръони Каримни 10 қироатда ёдлаган хофизлар;
2. Куръони Каримни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга уланган санад билан ёдлаган хофизлар;
3. 20 ёшга етмаган Куръони Карим хофизлари;
4. Вояга етмаган ёшдаги Куръони Карим хофизлари.

«Ислом Олами Робитаси» қошидаги «Куръони Каримни ёдлатиш ва тажвиди бўйича халқаро хайъат» бош котиби Шайх Абдуллох Басфар мазкур хайъат дунё бўйлаб 8000 та Куръони Карим хофиз ва хофизаларини бошқариб туришини, ўтган йиллар мобайнида 30 000 та хофиз ва хофизаларни етиштириб чиқарганини билдирди. Африка давлатларидан бир давлатда ушбук мусобаканинг ўтказилиши бу давлатнинг ўрни буюқ эканидан хамда Куръони Каримга бўлган мухаббатидан қалолат беришини таъқидлади.

«Ислом Олами Робитаси» бош котиби Абдуллох ибн Абдулмухсин «Сенегал давлати мамлакат раиси Абдуллох Ваднинг даврига қолиб Ислом ва мусулмонларга қисбатан

химоячи бўлишда алохида қўзга ташланди», деди ва Саудия мамлакати Абдуллох Ваднинг Исломга бўлган этибор ва ахамиятини тақдирлашини такидлади.